

Фарзандга бўлган муҳаббат



15:51 / 18.05.2025 1877

سَيِّبٌ لِّلَّانِ اِمِّي كِحُتْ نَبُؤَةَ لَوْخُ عَاجِلِ اَصْلِ اُةِ اَرْمَلِ اِتَمَّ عَزُّ لُؤُقَي زِي زَعْلِ اِدْبَعِ نَب رَمُ عَن عَن
مُكِّنِ اِ « لُؤُقَي وَهَوِ وِتَنَنْ بِلِي نَب اِدْحَا اَنْضَتْ حُمَّ جَرَخَ مَّ لَسَوِ هِيَ لَعُ هَلَلِ اِي لَص
« هَلَلِ اِنَا حَيْرِ رَمَلْ مُكِّنِ اِوِ ، نَوُؤُهُ جَتْ وَ نَوُنُّ بَجَتْ وَ نَوُؤُحَّ بُّتَل

Умар ибн Абдулазиздан ривоят қилинади:

**«Солиҳа аёл Хавла бинти Ҳаким айтади: «Набий соллаллоҳу алайҳи
васаллам қизларининг ўғилларидан бирини қучоқларида олиб
чиқдилар ва: «Сизлар (одамни) бахил қиласизлар, қўрқоқ
қиласизлар, жоҳил қиласизлар. Сизлар Аллоҳнинг
райҳонларидирсиз», дедилар».**

Хавла бинти Ҳаким розияллоҳу анҳо Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни
кўрган эканлар. Набийимиз алайҳиссалату вассалом қизлари Фотимаи

Заҳронинг ўғилларидан бирини – ё имом Ҳасанни, ё имом Ҳусайнни қучоқларига олиб келаётиб: «Сизлар (одамни) бахил қиласизлар, қўрқоқ қиласизлар, жоҳил қиласизлар. Сизлар Аллоҳнинг райҳонларидирсиз», деган эканлар.

Бунинг изоҳи шуки, инсон фарзанди учун қўрқоқ бўлади, ўзи учун қўрқмайди. «Менга бир нарса бўлиб қолса, боламга нима бўлади», деб қўрқиши аниқ.

Яна «Боламга бўлсин, боламга қолсин», деган маъно уни бахилликка ҳам олиб келади.

Баъзи бир ҳолатларда инсоннинг фарзандига бўлган муҳаббати, «боламга бўлсин» деган тушунча уни жоҳилликка ҳам олиб келади.

Лекин шу билан бирга, фарзанд Аллоҳ таоло берган бир райҳондир. Ота-она боласидан худди райҳонни ҳидлаб, хушнуд бўлгандек хушнуд бўлади. Аллоҳ таолонинг ўзи ҳар бир бандасини яратганида унга қўшиб фарзанд муҳаббатини ҳам яратади. Шунинг учун ҳам ҳар бир инсонда фарзандга нисбатан табиий муҳаббат бўлади. Агар фарзандига муҳаббати йўқ инсон зоти бор бўлса, у соф табиати бузилган нусха бўлади.

«Яхшилик ва силаи раҳм» китоби 1-жуз

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7613-рақамли хулосаси асосида чоп қилинган.